



**ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

йил „ 20 “ январь

№ 19-Қ

Самарқанд вилоят сув хужалиги бир-  
пашмасига Каттакургон сув омбори-  
ни ҳамда кириш ва чиқиш каналлари-  
ни ва Собирсой сув омборини киргок  
буйи мухофаза оралигини ер майдо-  
нини ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тугрисида"ги Қонунининг 12, 14 ва 48  
моддаларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174 рақамли, ви-  
лоят хокимининг 1994 йил 7 июндаги 443 рақамли қарорларига асосан вилоят  
сув хужалиги бирлашмасига вилоятимиз худудидаги сувларнинг ифлосланиши-  
ни олдини олиш, унумдор ер майдонларини сақлаб қолиш, емирилиш жараён-  
ларини ва бошқа зарарли таъсирларни олдини олиш учун Каттакургон ва Со-  
бирсой сув омборларини киргок буйи минтақасига ер ажратиш тугрисидаги Кат-  
такургон, Нуробод туман хокимларининг қабул қилган қарорларини инобатга  
олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилояти сув хужалиги бирлашмасига Каттакургон сув ом-  
борини ҳамда кириш ва чиқиш каналларини ва Собирсой сув омборини киргок  
буйи 50 метр мухофаза оралигига ер майдонини ажратиш тугрисидаги Катта-  
кургон туман хокимининг 1995 йил 24 мартдаги 83/03-к рақамли, жами 58.1 гек-  
тар ер майдонини ажратиш тугрисидаги Нуробод туман хокимининг 1995 йил 24  
апрелдаги 261-к, 1995 йил 7 февралдаги 93-к рақамли қарорлари, хужалиқлар-  
ни ва ер турларини руйхати курсатилган иловага асосан тасдиқлансин.

2. Самарқанд вилояти сув хужалиги бирлашмасига ажратилаётган ердаги  
тут ва мевали дарахтлар учун "Бустон" ширкатлар уюшмасининг ҳисобига  
35410 сум /1994 йил 17 ноябрдаги 32 рақамли маълумотномаси/ Р.Исломова  
номли ширкатлар уюшмасининг ҳисобига 61759 сум /1994 йил 25 ноябрдаги 86  
рақамли маълумотномаси/ миқдоридан пул утқиши топширилсин.

3. Самарқанд вилояти урмон хужалиги бирлашмасининг 1995 йил 31  
июлдаги 56 рақамли хатини инобатга олиб Саройкургон урмон хужалигини  
"Каттакургон" сув омборини киргок буйи мухофаза оралигига тушаётган жами  
966.5 гектар, шундан: 123.7 гектар бог, 476.9 гектар урмон, 338.8 гектар яй-  
лов, 5.4 гектар томорка ер, 21.7 гектар кишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган  
ер майдони узига қолдириб, вилоят табиатни мухофаза қилиш қумитасини ва  
вилоят сув хужалиги бирлашмасини тавсиясига асосан ҳамма табиатни мухо-  
фаза қилиш қонунларига риоя қилиш топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини таъминлаш вилоят хокимининг урин-  
босари Б.Хамроевга топширилсин.

Вилоят хокими

А.МАРДИЕВ